

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАМАДЖАНОВА НОЗИМА АДХАМОВНА**

**БОШЛАНҒИЧ СИНФ ИНГЛИЗ ТИЛИ ТАЪЛИМИ ЖАРАЁНИДА**  
**ЎҚУВЧИЛАРДА ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАШ МАЛАКАЛАРИНИ**  
**ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (инглиз тили)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган – 2022**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Мамаджанова Нозима Адхамовна**

Бошланғич синф инглиз тили таълими жараёнида ўқувчиларда танқидий фикрлаш малакаларини шакллантириш методикаси ..... 3

**Мамаджанова Нозима Адхамовна**

Методика формирования навыков критического мышления в процессе обучения английскому языку учащихся начальных классов ..... 25

**Mamadjanova Nozima Adhamovna**

Methods of developing critical thinking skills through the process of teaching English to primary school pupils ..... 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

**List of published works** ..... 49

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАМАДЖАНОВА НОЗИМА АДХАМОВНА**

**БОШЛАНҒИЧ СИНФ ИНГЛИЗ ТИЛИ ТАЪЛИМИ ЖАРАЁНИДА**  
**ЎҚУВЧИЛАРДА ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАШ МАЛАКАЛАРИНИ**  
**ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (инглиз тили)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Ped969 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.namdu.uz](http://www.namdu.uz)) ва «Ziyounet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

Улдухжаев Нарзулло Зиёвиддинович  
педагогика фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

Улуқов Носиржон Мухаммадалиевич  
филология фанлари доктори, профессор

Кадирова Мунира Расуловна  
педагогика фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доцент

**Етакчи ташкилот:**


Қўқон давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети ҳузуридаги PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2022 йил «29» январь соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160107, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (+99869) 227-29-81, факс: (+99869) 227-07-61; e-mail: [info@namdu.uz](mailto:info@namdu.uz))


Диссертация билан Наманган давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (684 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (99869) 227-29-81).

Диссертация автореферати 2022 йил «18» январь куни тарқатилди.  
(2022 йил «18» январдаги 1-рақамли реестр баённомаси).



  
Т.Файзуллаев  
Илмий даражалар берувчи  
бир марталик илмий кенгаш раиси,  
с.ф.д., профессор

  
М.М.Якуббаев  
Илмий даражалар берувчи  
бир марталик илмий кенгаш  
илмий котиби, PhD

  
Н.М.Улуқов  
Илмий даражалар берувчи бир марталик  
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, ф.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳон миқёсида узлуксиз таълимнинг барча босқичларида айниқса, инглиз тилини ўргатиш жараёнларида таълим олувчиларни мустақил, танқидий фикрлашга ундайдиган стратегия ва технологияларни таълим жараёнларига татбиқ этиш, таълим олувчиларни танқидий фикрлашга ўргатадиган қулай таълимий муҳитни қарор топтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Субъект-субъект муносабатлари жараёнларини шакллантиришда фаол мулоқотни ва ўзаро ҳамкорлик вазиятини вужудга келтириш таълим олувчиларда танқидий фикрлаш малакаларини шакллантиришга хизмат қилади. Илмий ёки педагогик фаолиятда танқидий фикрлаш таълим олувчиларда касбий компетенцияларини такомиллаштиришнинг муҳим асосидир. Танқидий фикрлаш малакаларини шакллантириш учун таълим жараёнларини ташкил этиш принципларини мувофиқлаштириш зарур ҳисобланади. Педагоглар фақатгина таълим берибгина қолмай танқидий фикрлаш усулларини ўргата олишлари, ўзлари ҳам шундай малакага ва тегишли мотивацияга эга бўлишлари қулай, рефлексив таълимий муҳитни шакллантиришда алоҳида ўрин тутди.

Дунёда чет тилини ўргатиш жараёнларида танқидий фикрлаш орқали рақобатбардош, ўз фаолиятини танқидий таҳлил қила оладиган ҳамда теран фикрли кадрларни тайёрлаш даврининг долзарб вазифасига айланди. Танқидий фикрлаш нафақат, маълум соҳада муаммонинг ечимини топишда, балки янги ғояларни яратишда ҳам ўзига хос аҳамият касб этади. Шундан келиб чиқиб, халқаро амалиёт чет тил ўргатиш жараёнида танқидий фикрлашни кичик мактаб ёшидан бошлаш самарали эканлигини кўрсатади. Танқидий фикрлашга ўргатиш жараёнларининг аҳамиятлилигини Калифорния танқидий фикрлаш маркази, Америка фалсафа ассоциацияси, АҚШ Миллий кенгаши, Россия давлатининг “Ўқиш ва ёзиш орқали танқидий фикрлашни ривожлантириш”<sup>1</sup> марказларида ўқувчиларда танқидий фикрлаш малакаларини шакллантириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилаётганлигида ҳам кўриш мумкин.

Республикамизда инглиз тилини ўргатиш жараёнларида таълим олувчининг жаҳон ижтимоий-иқтисодий, адабий-маданий тараққиётида тўлақонли иштирокини таъминлаш учун мустақил, ижодий фикрлайдиган шахсни тарбиялаш вазифаси қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2021 йил 6 май куни чет тилларни ўқитиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишидаги нутқида: “Биз рақобатбардош давлат қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эканмиз, бундан буён мактаб, лицей, коллеж ва олийгоҳ

---

<sup>1</sup> Ахмедова Л.Т., Лагай Е.А. Современные технологии преподавания русского языка и литературы. - Тошкент.: Фан ва технология. - 2016. – С.28.

битирувчилари камида 2 та чет тилини мукамал билиши лозимлиги<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш Ҳаракатлар стратегиясининг “Ижтимоий соҳани ривожлантиришни устувор йўналишлари” бўлимининг “Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш” деб номланган тўртинчи бандида “Умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, чет тиллар, ахборот технологиялари, математика ва бошқа муҳим ва талаб юқори бўлган фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш”<sup>3</sup> асосий устувор мақсадлардан бири сифатида белгиланиши таълим сифатини тубдан ислоҳ қилиш ҳамда бу борада самарали миллий моделни шакллантириш инглиз тили ўргатиш жараёнида ўқувчиларни эркин, ижодий ва танқидий фикрлашга йўналтирувчи замонавий метод ва технологияларни таълим муҳитига жорий этиш вазифасини белгилайди.

Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПҚ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Қарори, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Таълим муассасаларида чет тилларни ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 610-сон Қарори, “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сонли Қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикада ўқувчиларда мустақил фикрлашнинг таркибий қисми бўлган танқидий фикрлашни ривожлантириш ва такомиллаштириш масалалари Ж.Йўлдошев, М.Маҳмудов, Б.Адилов, Р.Сафарова, Ў.Толипов, Ш.Абдуллаева, М.Абдуллаева, Э.Ғозиев, М.Давлетшин, В.Каримова, Ж.Мусаев ва П.Мусаев, Л.Ахмедова, Б.Ходжаев, Ф.Ходжиева, С.Ғуломов, М.Арабова, Ф.Бердиева,

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2021 йил 6 май куни чет тилларни ўқитиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишидаги нутқи. Электрон ресурс: <https://www.gazeta.uz/oz/2021/05/06/videoselector/>. Мурожаат санаси: 21.09.2021 й.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони

Ш.Ақбарова, Ш.Шарипов, Д.Шакирова, З.Ғофуров, Ж.Туленов, Қ.Назаровларнинг тадқиқотларида ёритилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) давлатлари олимлари М.В.Кларин, Ю.А.Самарин, Б.М.Теплов, А.И.Липкина, В.А.Шамис, Л.В.Хохлова, Д.М.Шакирова, С.В.Марудина, Л.С.Рубинштейн, И.О.Загашев, Е.Д.Божович, В.И.Муштавинская ва бошқаларнинг илмий-тадқиқот ишларида чет тили ўқитиш жараёнида ўқувчиларда танқидий фикрлаш малакаларини такомиллаштиришнинг педагогик ва психологик асослари тадқиқ этилган.

Хорижий давлатларда ҳам ушбу муаммо доирасида илмий-тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, олимлардан R.Pol, D.Halpern, M.Scriven, P.Facione, J.P.Guilford ҳамда R.Sternberg, E.Torrance, R.Boostrom, Herbert Puchta, J.Hughes, S.Schafersman ва Fatih Uzturk ларнинг тадқиқотларида ва илмий-методик қўлланмаларида танқидий ҳамда креатив фикрлашни ривожлантиришнинг педагогик ва психологик шарт-шароитлари масалалари тадқиқ этилган, бироқ ўқувчиларнинг танқидий фикрлашини шакллантириш масалалари бўйича адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, ўтказилган тадқиқотларда таълим жараёнида бошланғич синф ўқувчиларининг танқидий фикрлаш малакаларини шакллантиришнинг аниқ мазмун-моҳиятини ташкил этишда ҳозирча ягона ёндашув аниқланмаган. Шунингдек, бошланғич синф инглиз тили дарсларида ўқувчиларда танқидий фикрлаш малакаларини шакллантиришнинг психологик хусусиятлари, танқидий фикрлаш малакаларини шаклланганлик даражаларини аниқлаш мезонлари ва баҳолаш кўрсаткичлари тадқиқ этилмаганлиги ҳамда ушбу жараённинг дидактик таъминоти яратилмаганлиги мазкур йўналишда илмий изланишлар олиб боришни тақозо этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация Наманган давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Ўзбек адабиётининг хорижда ўрганилиши ва чет тили ўқитишнинг муаммолари” банди доирасида бажарилди.

**Тадқиқотнинг мақсади** бошланғич синф инглиз тили таълими жараёнида ўқувчиларда танқидий фикрлаш малакаларини шакллантириш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

инглиз тили таълими жараёнида бошланғич синф ўқувчиларида танқидий фикрлаш малакаларини шакллантиришнинг педагогик-психологик омилларини таълим олувчиларнинг танқидий-таҳлилий тафаккур қилишларига йўналтирувчи компонентлар орқали аниқлаш;

бошланғич синф инглиз тили дарсларида ўқувчиларда танқидий фикрлаш малакаларини шакллантиришнинг технологияларини такомиллаштириш;

инглиз тили ўқитишда бошланғич синф ўқувчиларини танқидий фикрлаш малакаларини шакллантиришнинг дидактик моделини такомиллаштириш;

бошланғич синф инглиз тили дарсларида ўқувчиларни танқидий фикрлашга ўргатиш жараёнида ролли-ўйинли машқлардан фойдаланишнинг маҳсулдор усулларини аниқлаш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида умумий ўрта таълим мактабларининг инглиз тили дарсларида бошланғич синф ўқувчиларининг танқидий фикрлаш малакаларини шакллантириш жараёни олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** инглиз тили таълими жараёнида бошланғич синф ўқувчиларига танқидий фикрлаш малакаларини шакллантиришнинг мазмуни, шакл, усул ва воситалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда назарий (қиёсий, таҳлилий), диагностик (кузатиш, суҳбат, сўровнома), педагогик тажриба-синов, математик-статистик таҳлил, умумлаштириш усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

инглиз тили ўргатиш жараёнларида бошланғич синф ўқувчиларида танқидий фикрлаш малакаларини шакллантиришнинг психологик-педагогик омиллари таълим олувчиларнинг танқидий-таҳлилий тафаккур қилишларига йўналтирилган фаолиятли, рефлексив ва коммуникатив мотивацион компонентларини белгилаш орқали аниқлаштирилган;

бошланғич синф инглиз тили дарсларида ўқувчиларда танқидий фикрлаш малакаларини шакллантиришнинг технологиялари ўқитиш мазмунининг дидактик йўналтирилганлиги, нутқий фаолиятнинг барча турларини ривожлантириш тамойиллари билан уйғунлиги ва мақбуллигини методик жиҳатдан узвий таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

инглиз тили таълими жараёнида бошланғич синф ўқувчиларини танқидий фикрлаш малакаларини шакллантиришнинг дидактик модели ўқув топшириқларини босқичма-босқич ва интенсив бажариш самарадорлигига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

бошланғич синф инглиз тили дарсларида ўқувчиларни танқидий фикрлашга ўргатиш жараёнида ахборотни идрок этиш, мақсадга интилиш, фикрларни режалаштириш, хатоларни тўғирлашга тайёрлик, тўғри қарор қабул қилиш қобилиятларини ривожлантириш мақсадида ролли-ўйинли машқлардан фойдаланишнинг маҳсулдор усуллари аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

бошланғич синф ўқувчиларида танқидий фикрлаш малакалари шакллантирилганлик даражаларини аниқлаш мезонлари ва баҳолаш кўрсаткичлари ишлаб чиқилган ҳамда амалиётга жорий этилган;

бошланғич синф ўқувчиларида танқидий фикрлаш малакаларини шакллантириш жараёнларида ўқувчиларнинг идрок этиш, диққатни жамлаш, хотирада сақлаш фаоллиги ва нутқини такомиллаштирилишини таъминловчи дидактик материаллар тизими тақдим этилган;



бошланғич синф инглиз тили дарсларида ўқувчиларда танқидий фикрлаш малакаларини шакллантириш бўйича яратилган дидактик материалларнинг мазмуни ва улардан фойдаланиш методикаси илмий-методик мақолалар ва “Бошланғич синф ўқувчиларини танқидий фикрлаш малакаларини ривожлантиришда ўйинли машқлардан фойдаланиш” (ISBN 978-9943-5921-2-4) номли ўқув-услубий кўлланмада ёритилган;

бошланғич синф инглиз тили дарсларида ўқувчиларни танқидий фикрлашга ўргатиш жараёнида ахборотни идрок этиш, мақсадга интилиш, фикрларни режалаштириш, хатоларни тўғрилашга тайёрлик, тўғри қарор қабул қилиш қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган ролли-ўйинли машқлардан фойдаланишнинг махсулдор усуллари аниқланган ҳамда амалиётга кўллаш учун тақдим этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммога методологик, методик, психологик ва педагогик ёндашувларга ҳамда бошланғич синф ўқувчиларида танқидий фикрлашни шакллантиришга оид миллий тажриба, республикамиз ва хорижий олимларнинг илмий-тадқиқот натижалари асосида танқидий фикрлашга йўналтирилган ўқув фаолиятини ташкил этишга доир тавсиялар ишлаб чиқилганлиги, таҳлилларнинг миқдор ҳамда сифат жиҳатидан таъминланганлиги, тажриба-синов ишларининг ҳаққонийлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил методлари ёрдамида қайта ишланганлиги, кўлланилган ёндашувларнинг илмий-методик жиҳатдан асосланганлиги, хулоса, тақлиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти “Бошланғич синф ўқувчиларида танқидий фикрлаш малакаларини шакллантириш” тушунчасининг мазмун-моҳияти ёритилганлиги, танқидий фикрлаш малакаларини шакллантиришнинг педагогик ва психологик омилларини ўқувчиларнинг танқидий-таҳлилий фикрлашларига таъсир этувчи рефлексив ва мотивацион компонентларини белгилаш орқали аниқлаштирилганлиги, муаммони ўрганишга доир ёндашувларнинг таҳлил этилганлиги, бошланғич таълимда танқидий фикрлаш муҳитини яратишнинг назарий жиҳатлари, бошланғич синф ўқувчиларида танқидий фикрлаш малакаларини шакллантиришда ўқувчиларнинг идрок, хотира, тафаккур қилишини такомиллаштиришга доир тавсиялар тақдим этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг натижаларининг амалий аҳамияти бошланғич синф инглиз тили ўқитиш жараёнларида ўқувчиларда таққослаш, идрок этиш, диққатни жамлаш, ёдда сақлаш, муаммони ечишга ҳаракат қилиш, таснифлаш, қарор қабул қилиш, фикрни изчил баён этиш қобилиятларини ривожлантириш орқали танқидий фикрлаш малакаларини шакллантиришга йўналтирилган ўйинли машқлар технологиясини амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бошланғич синф инглиз тили дарсларида ўқувчиларда танқидий фикрлаш малакаларини шакллантиришга доир тадқиқот натижалари асосида:

инглиз тили ўргатиш жараёнларида бошланғич синф ўқувчиларида танқидий фикрлаш малакаларини шакллантиришнинг психологик-педагогик омиллари таълим олувчиларни танқидий-таҳлилий тафаккур қилишга йўналтирувчи фаолиятли, рефлексив ва коммуникатив мотивацион компонентларини белгилаш орқали аниқлаштиришга доир таклиф ва тавсияларидан “Бошланғич синф ўқувчиларининг танқидий фикрлаш малакаларини ривожлантиришда ўйинли машқлардан фойдаланиш” номли ўқув-услугий қўлланма тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 октябрдаги 89-03-4302-сон маълумотномаси). Натижада, бошланғич синф инглиз тили фани ўқитувчиларининг танқидий баҳолаш ва фикрлашни ўргатишга оид компетенциялари такомиллаштирилган;

бошланғич синф инглиз тили дарсларида ўқувчиларда танқидий фикрлаш малакаларини шакллантиришнинг технологиялари ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларини ҳисобга олиш, ўқитиш мазмунини дидактик йўналтирилганлиги, нутқий фаолиятнинг барча турларини ривожлантириш тамойиллари билан уйғунлиги ва мақбуллигини методик жиҳатдан узвий таъминлаш асосида такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсияларидан ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда “Умумий ўрта таълим сифатини ошириш дастури” доирасида амалга оширилган ҳамда “Умумий ўрта таълимнинг миллий ўқув дастури”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Республика таълим марказининг 2020 йил 25 декабрдаги 01/11-02/02-1596-сон маълумотномаси). Натижада, бошланғич таълимда ўқувчиларнинг инглиз тилини ўрганишда танқидий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришнинг самарадорлиги таъминланган;

инглиз тили таълими жараёнида бошланғич синф ўқувчиларини танқидий фикрлаш малакаларини шакллантиришнинг дидактик модели мустақил, креатив, аналитик фикрлашга йўналтирилган ўқув топшириқларини босқичма-босқич ва интенсив бажариш самарадорлигига устуворлик бериш асосида такомиллаштиришга доир таклифларидан 2021-2022-ўқув йилида яратилган умумтаълим мактабларининг бошланғич синф инглиз тили дарслиги ва ўқитувчилар учун методик қўлланмаларини яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Республика таълим марказининг 2020 йил 25 декабрдаги 01/11-02/02-1596-сон маълумотномаси). Натижада, мактабгача таълим ва бошланғич таълимда хорижий тилларни ўргатиш методикаси такомиллаштирилган;

бошланғич синф инглиз тили дарсларида ўқувчиларни танқидий фикрлашга ўргатиш жараёнида ахборотни идрок этиш, мақсадга интилиш,

фикрларни режалаштириш, хатоларни тўғрилашга тайёрлик, тўғри қарор қабул қилиш қобилиятларини ривожлантириш мақсадида ролли-ўйинли машқлардан фойдаланишнинг маҳсулдор усулларини аниқлаш бўйича ишлаб чиқилган методик тавсиялардан А-5-37 “Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва бошланғич синф ўқувчиларида дастлабки математик билимларни шакллантиришга мўлжалланган мультимедиали интеллектуал ўйинлар” номли амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 октябрдаги 89-03-4302-сон маълумотномаси). Натижада, мактабгача таълим ва бошланғич таълимда хорижий тилларни ўргатиш методикаси такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 2 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий-услубий иш, жумладан, 1 та ўқув-услубий кўлланма, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, шулардан, 2 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, 120 саҳифани ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Танқидий фикрлаш малакаларини шакллантиришнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида “танқидий фикрлаш” тушунчасининг илмий-методик адабиётлардаги талқинлари, танқидий фикрлашнинг таълим технологияси сифатида тавсифи, бошланғич синф инглиз тили ўргатиш жараёнларида ўқувчиларни танқидий фикрлаш малакаларини шакллантиришнинг илмий-методик аҳамияти баён қилинган. “Танқид” ва “фикрлаш” тушунчаларининг мазмуни ва моҳияти ёритиб берилган.

“Танқид” сўзи этимологик жиҳатдан юнон тилига мансуб бўлиб, у “Рrigo”- ажратмоқ, фарқламоқни англатган. Бошқа тилларга, жумладан рус тилига, мослашиш жараёнида унинг семантик миқёси кенгайиб, ҳозирги кунда кенг маънода талқин қилинади. Рус тилшунослигида С.И.Ожегов, Д.Н.Ушаков, В.В.Розанов, А.Е.Баханьков каби тадқиқотчилар томонидан тузилган луғатларда мазкур тушунча “муҳокама қилиш”, “ниманидир баҳолаш мақсадида таҳлил қилиш” ҳамда “бирор нарса ҳақида фикр билдириш, камчиликларни кўрсатиш” сифатида талқин қилинади. Рус лексикографиясининг асосчиси В.И.Далнинг “Словарь живого велико русского языка” номли луғатида танқид тушунчаси *қидирув, муайян ишининг яхши ва ёмон томонлари ҳақида фикр билдириш, камчиликларни кўрсатиш* маъносида шарҳланган. Шу билан бир қаторда В.И.Даль, бошқа тадқиқотчилардан фарқли ўлароқ, танқиднинг позитив (ижобий) имкониятини ҳам таъкидлайди Танқид қилмоқ – “таҳлил қилиш, қидириш ҳамда бирор нарсанинг фазилатлари ҳақида хулоса қилмоқ”<sup>4</sup> – дея фикр билдиради.

Мавжуд илмий-методик манбаларда “танқид” тушунчасининг қуйидаги жиҳатлари тақдим этилган: “танқид – тадқиқ, муҳокама, таҳлил, фикр билдириш ва текшириш; баҳолаш; муайян мазмунни инкор этмоқ, камчиликларни аниқлаш” демакдир.

“Танқид” термини кенг қамровли бўлиб, мураккаб танқидий жараён мазмунини ўз ичига олади. Унинг семантик тузулишида *танқидий ёндашув, танқидий таҳлил, танқидий баҳолаш, танқидий муносабат, танқидий фикрлаш* каби семалар мавжуд.

Танқидий фикрлаш тушунчасини таҳлил қилишда фикрлаш жараёнини қисқача изоҳлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз, зеро бундай таҳлил шахснинг танқидий фикрлашини ўзига хос хусусиятларини аниқлашда муҳим омил ҳисобланади.

Тафаккур (фикрлаш) тарихий ҳодиса бўлиб, билимларни авлоддан авлодга ўтишини изчиллигини ҳамда уларнинг тил воситалари ёрдамида расмийлаштирилишини тақозо этади. Инсон атроф-муҳитни нафақат идрок этади, балки уни тушунишни, англашни ҳам хоҳлайди. Атроф-муҳитни тушуниш бу воқеа ва ҳодисаларнинг ичига кириб, уларнинг муҳим хусусиятларини билишдир. Тушуниш мураккаб руҳий жараён ва у фикрлаш ёрдамида амалга оширилади.

Фикрлаш шахснинг билиш фаолиятидир. Файласуфларнинг таъкидлашларича, фикрлаш одамнинг муҳим хусусиятидир. Фикрлашнинг хусусиятлари ҳақида фикр юритилганда биринчи навбатда унинг танқидийлигини кўрсатиш лозим.

Мавжуд педагогик ва психологик манбаларнинг таҳлили асосида фикрлашнинг ушбу сифатини қуйидагича тавсифлаш мумкин: фикрлашнинг

<sup>4</sup> Даль.В.И. Словарь живого велико русского языка. Толковый словарь в четырёх томах. - Москва. -1989.

хато ва номутаносибликларни белгиловчи, хатоларни бартараф этиш, объектларнинг кучли ва кучсиз томонларини аниқловчи, назорат қилинаётган объектлар ва жараёнларни намуна билан таққослаш, тақдим этиладиган тахминларни ҳаққонийлигини исботловчи қобилиятни тавсифловчи хусусияти унинг танқидийлигини ташкил этади.

Жадал ривожланиб бораётган жамият таълим тизими олдида ўқувчиларни фақатгина маълумотларни идрок этишга эмас, балки уни турли нуқтаи назардан таҳлил қилиб, хулоса чиқаришга ўргатиш вазифасини кўймоқда. Фикрлаш, танқидий фикрлаш технологияси ўқувчиларни фаол фикрлашга ўргатиш жараёнида уларда муҳокама қилиш ва мулоқотга кириш малакаларини шакллантиришда муҳим восита ҳисобланади.

Танқидий фикрлашни XXI аср таълим технологияларининг асоси сифатида ўрганишни педагогика, психология, фалсафа кесимида пайдо бўлган устувор йўналишларидан бири деб эътироф этиш мумкин.

“Танқидий фикрлаш” тушунчаси ҳақида турли хил қарашлар, талқинлар, фикр ва мулоҳазалар мавжуд. Қатор тадқиқотларда мазкур тушунча баҳолашни тақозо этганлиги сабабли негатив ҳолат билан тенглаштирилади, бошқа тадқиқотларда ушбу тушунчани “танқидий фикрлаш”, “таҳлилий фикрлаш”, “ижодий фикрлаш” сифатида талқин этилади.

Танқидий фикрлаш тадқиқот воситаси сифатида зарурдир. Шунинг учун у таълим манбаи ва ҳар бир инсон ҳаётида ва жамоат ҳаётида кучли манба ҳисобланади. Дельфи гуруҳининг талқинига кўра, танқидий фикрлайдиган одам қизиқувчанлик, бохабарлик, ишонтирувчанлик, кенг дунёқарашли, мослашувчан, адолатли баҳолайдиган, безарар ва одил қарор чиқарувчи, керакли маълумотларни топишга астойдил киришадиган, тадқиқотга интилувчан, натижаларга эришишда қатъийлик билан ёндашадиган шахсдир. Шунинг учун танқидий фикрлашни ўргатишнинг мақсади баркамолликка, идеалликка яқинлашишдир.

Танқидий фикрлаш технологиясини таълим жараёнида қўллаш қатор таълимий, ривожлантирувчи ва тарбиявий вазифаларни бажариш учун имконият яратади. Бундай вазифалар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин критик фикрлаш, мураккаб муаммоларни ахборот таҳлили асосида ҳал этиш, муқобил фикрларни таҳлил қилиш, сабаб-оқибат алоқаларини аниқлаш, таққослаш ва хулоса чиқариш, бошқалар билан мулоқотга киришиш.

Танқидий фикрлаш ахборотларни мантиқан таҳлил қилиш, асосланган ҳукм ва қарор чиқариш, олинган натижаларни стандарт ва ностандарт вазият ва муаммоларга нисбатан қўллаш қобилиятидир.

Мазкур тадқиқотда “танқидий фикрлаш” тушунчасининг қуйидаги такомиллаштирилган таърифига асосланишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: “Танқидий фикрлаш мустақил фикрлашнинг юқори даражадаги таркибий қисми бўлиб, билимларни ўзлаштириш, маълумотни изоҳлаш, таҳлил қилиш ва баҳолашнинг мавжуд билимларга асосланганлиги, муайян

масала бўйича фикрларни синаб кўриш, ўз нуқтаи назарини шакллантириш ва тасдиқлашни таъминлашга йўналтирилган муайян мақсадлар ва сифатларни қамраб олган ақлий фаолият тури”.

Танқидий фикрлашни ривожлантириш технологияси Шимолий Аёва университетининг Халқаро ўқиш ассоциацияси ва Хобард ва Уилям Смит коллежларидаги дастур муаллифлари: Чарлз Темпл, Жими Стил, Курт Мередитлар томонидан ишлаб чиқилган. Ушбу технология турли фан соҳаларида, фаолият турлари ва шаклларида фойдаланишга мўлжалланган стратегиялар ва ўқитиш усуллари тизимидир. Мазкур технология ўсиб борадиган ва доимий равишда янгиланиб турадиган ахборот оқими билан ишлаш қобилияти орқали таълим натижаларига эришишга имкон беради; ўқувчиларда бошқаларга нисбатан ўз фикрларини (оғзаки ва ёзма) аниқ, ишончли ва тўғри ифода этиш қобилиятини шакллантиради; турли тажрибалар ва ғояларни тушунишга асосланган ҳолда ўзларининг фикрларини ривожлантириш қобилиятини такомиллаштиради; муаммоларни ҳал қилиш учун мустақил равишда ўқиш билан шуғулланиш, (академик ҳаракатчанлик), ҳамкорлик қилиш ва гуруҳда ишлаш, бошқалар билан конструктив муносабатларни ўрнатиш қобилияти учун мустаҳкам замин яратади.


Диссертациянинг **“Бошланғич синф инглиз тили таълими жараёнида ўқувчиларда танқидий фикрлаш малакаларини шакллантиришнинг методик таъминоти”** деб номланган иккинчи бобида бошланғич синф инглиз тили таълимида танқидий фикрлашни шакллантириш мазмуни, шакл ва воситалри, шунингдек бу жараёнда технологик ёндашувларни амалга ошириш методикаси ёритиб берилган.

Тадқиқот жараёнида илмий-методик манбалар таҳлили, бошланғич синф ўқувчиларида инглиз тили ўқитиш жараёнларида танқидий фикрлаш малакаларини шакллантиришнинг дидактик модели мустақил, креатив, аналитик фикрлашга йўналтирилган ўқув топшириқларини интенсив бажара олиш самарадорлигига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилди.

Танқидий фикрлашни шакллантиришнинг самарадорлиги илмий тадқиқотнинг методологик асосини ташкил этувчи мақсад ва вазифалар, ёндашувлар, тамойиллар, мазмун ва усуллар ёрдамида белгиланади. Инглиз тили таълими жараёнида бошланғич синф ўқувчиларида танқидий фикрлаш малакаларини шакллантириш моделини такомиллаштиришда, биринчи навбатда, унинг мақсади белгиланди. Албатта, белгиланган мақсадга эришиш учун биргина моделнинг ўзи етарли эмас. Уни бошланғич синфлар инглиз тили таълими жараёнига татбиқ этиш лозим. Шу нуқтаи назардан, тадқиқотда моделдан фойдаланиш алгоритми аниқланди. Моделда белгиланган мақсадни амалга оширишда, шубҳасиз, муаммога бўлган илмий ёндашувни аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Таъкидлаш лозимки, тадқиқ этилаётган муаммо серқирра бўлганлиги сабабли, унга нисбатан хилма-хил илмий ёндашувлар мавжуд. Дидактик нуқтаи назардан, тадқиқотда тақдим

этилган модел **когнитив ва коммуникатив (cognitive and communicative approach)**, **шахсга йўналтирилган (humanistic approach)** илмий ёндашувларга мос равишда такомиллаштирилди.

Муаммога тааллуқли илмий-назарий адабиётлар таҳлили асосида танқидий фикрлашни шакллантириш моделининг мотивацион ва рефлексив компонентлари аниқланди (**1-расмга қаранг**).



**1-расм. Танқидий фикрлашни шакллантиришнинг дидактик модели**

Албатта, бошланғич синф ўқувчиларида танқидий фикрлаш малакаларини шакллантириш ва ривожлантириш ўқувчиларнинг ёш ва физиологик хусусиятларига мос таълим технологияларини танлашни тақозо этади. Шунинг учун моделга шахсга йўналтирилган, муаммоли таълим, табақалаштирилган таълим ҳамда ўйинли машқлар технологиялари киритилди.

Танланган технологияларни амалда қўллаш учун таҳлил, синтез, таълимий ўйинлар, интерактив усуллар таққослаш, умумлаштириш, муаммони ечиш, хулоса чиқариш усулларида фойдаланилди.

Танқидий фикрлашни шакллантириш ва ривожлантиришда, моделда кўрсатилганидек, мустақиллик, аниқ мақсадга интилиш, режалаштиришга

тайёрлик, мослашувчанлик, чидамлилиқ, хатоларни тўғрилашга тайёрлик, идрок этиш, келишувли, мурасали қарор излаш каби интеллектуал-психологик сифатларни шакллантиришга ҳам эътибор қаратилди.

Танқидий фикрлашнинг дидактик моделини амалда бажариш учун тадқиқот жараёнида ўйинли машқлар технологияси такомиллаштирилди. Машқлар тизимини яратишда [www.criticalthinking.org](http://www.criticalthinking.org) веб сайтидан, Херберт Пучтанинг “Teaching young learners to think” китобидан ҳамда Нигел Благгнинг “The Somerset Thinking Skills Course” ўқув амалий курсида Ўзбекистон таълим шароитига мослаштириш мумкин бўлган ҳамда моделда кўрсатилган илмий ёндашувлар, таълим тамойиллари талабларига мос машқлардан фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб топдик. Машқлар танлаш жараёнида фикрлашни амалга оширишнинг қуйидаги босқичларига эътибор қаратилди: таққослаш, таснифлаш, диққатни жамлаш, ёдда сақлаш, боғланишларни яратиш, қарор қабул қилиш, танқидий-таҳлилий фикрлаш.

Тадқиқот жараёнида қуйидаги ўйинли машқлар технологиясидан фойдаланилди. (1-жадвал;)

### 1-жадвал

#### Ўйинли машқлар технологияларининг номи ва шакллантириладиган малакалар

Т/р	Ўйинли машқлар технологияларининг номи	Шакллантириладиган малакалар
1.	Me and my friend. An apple and a peach	Таққослаш
2.	How many are there	Диққатни жамлаш
3.	Remember the pictures	Ёдда сақлаш
4.	Let's connect	Боғланишларни идрок этиш
5.	Market day	Таснифлаш
6.	What is the weather like today?	Қарор қабул қилиш
7.	Friend-birthdays	Фикрни изчил ифодалаш
8.	Find the mistakes	Танқидий фикрлаш

Диссертациянинг “**Бошланғич синф инглиз тили ўргатиш жараёнларида ўқувчиларда танқидий фикрлаш малакаларини шакллантириш тажриба-синов ишлари**” деб номланган учинчи бобида бошланғич синф инглиз тили ўргатиш жараёнларида ўқувчиларда танқидий фикрлаш малакаларини шакллантириш бўйича тажриба-синов ишларини ташкил этиш ҳамда бошланғич синф инглиз тили ўргатиш жарёнларида ўқувчиларда танқидий фикрлаш малакаларини шаклланганлик ҳолатининг таҳлили ёритиб берилган.

Умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синф ўқувчиларида танқидий фикрлаш малакаларини шаклланганлик даражаси ўқитувчининг бу йўналишдаги фаолиятни ташкил этиши билан боғлиқ. Шу нуқтаи назардан тажриба-синов ишларининг биринчи (таъкидловчи) босқичида Наманган шаҳридаги 49-умумий ўрта таълим, Наманган вилояти Уйчи туманидаги 6- умумий ўрта таълим, Фарғона вилояти Қўқон шаҳридаги 29-сонли ва Ўзбекистон туманидаги 33-сонли умумий ўрта таълим мактабларида,



Андижон вилояти Балиқчи туманидаги 1- ва 50-сонли умумий ўрта таълим мактабларида бошланғич синфларнинг инглиз тили фани ўқитувчилари ўртасида сўровнома ўтказилди. Ўқувчиларда фикрлаш, айниқса, танқидий фикрлаш малакаларини шакллантириш учун пойдевор она тили бўлишини ва ўқув режадаги бошқа фанларни ўқитиш жараёнида яратилишини инobatга олиб, сўровномага бошланғич синф ўқитувчиларини ҳам жалб этишга қарор қилинди.

Тажриба-синов ишлари 3 босқичда ўтказилди. Биринчи, изланувчи-таъкидловчи босқичда бошланғич синф ўқувчиларининг танқидий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга доир психологик-педагогик, методик адабиётлар ўрганилиб таҳлил қилинди. Бошланғич синф ўқувчиларининг танқидий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш бўйича ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш ҳолати ҳам ўрганилди ҳамда унинг таълим-тарбия жараёнидаги аҳамияти белгиланди. Бошланғич синф ўқувчиларининг танқидий фикрлаш қобилиятларини шакллантириш бўйича ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш илмий-методик-ташкилий муаммо эканлиги кўрсатилди.

Мазкур босқичда сўровнома натижалари асосида яратилган услубий қўлланма танлаб олинган мактабларнинг бошланғич синф ўқитувчилари орасида муҳокама қилиш, ютуқ ва камчиликларини кўриб чиқиш учун ҳамда дарс жараёнида қўллаш учун тақдим этилди. Барча ўқитувчилардан олинган мулоҳаза ва таклифлар, эътирозлар, қарама-қарши фикрлар ўрганиб чиқилди. Уларнинг кўп йиллик тажрибаларига таянган ҳолда баён этган фикрлари инobatга олинди ва тайёрланган ўқув-услубий қўлланмага тегишли ўзгартиришлар киритилди. Шунингдек, тажриба синфларида дарсларни ташкил этиш учун ишчи дастурда режалаштирилган топшириқларга қўшимча равишда ўйинли машқларни киритиш орқали ҳаракатдаги дастур такомиллаштирилди.

Тажриба-синов ишларининг иккинчи шакллантирувчи босқичида бошланғич синф ўқувчиларининг танқидий фикрлаш қобилиятларини шакллантириш бўйича ташкил этиладиган дарслар мазмуни, шакл, методлари аниқланиб, тайёрланган дидактик материал асосида дарслар ташкил этилди. Назорат синфларида дарслар анъанавий усулда ҳаракатдаги дастур асосида яратилган дарсликлар ва ишчи дастурлар бўйича ўтказилди. Тажриба синфларида эса такомиллаштирилган ишчи дастур асосида ташкил этилди.

Учинчи, якуний-назорат, босқичда тадқиқотнинг тажриба-синов натижалари умумлаштирилиб, танқидий таҳлил қилиниб, тадқиқот мақсади ҳамда ишлаб чиқилган методикаларнинг асосланганликлари ўқув жараёнида ишлаб чиқилган илмий-методик ишланмалар асосида синовдан ўтказилди.

Тажриба-синов ишларининг таъкидловчи босқичида ўқувчиларда танқидий фикрлаш малакаларини шаклланганлик даражаси қуйидаги мезонлари ёрдамида аниқланди **(2-расмга қаранг)**.



**2-расм. Бошланғич синф ўқувчиларида танқидий фикрлаш малакалари шаклланганлигини аниқлаш мезонлари**

